Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 225 (8215). ● 26 ноябрь, 1983 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. АНДРОПОВнинг БАЁНОТИ

Совет Иттифоқи раҳбарлари совет кишиларини ва бошқа халқларни ҳозирги Америка маъмуриятининг урушқоқлик йўли хусусидаги ўз фикрларидан хабардор қилган ва АҚШ ҳукуматини ҳамда у билан биргалашиб иш тутаётган ғарб мамлакатларини бу йўлнинг хатарли оқибатларидан огоҳлантирган эди.

Аммо Вашингтон, Бонн, Лондон ва Рим ақл-идрок овозига қулоқ солмадилар — ГФР, Буюк Британия ва Италия территориясида Американинг ўртача олисликка учириладиган ракеталари жойлаштирила бошланди. Шундай қилиб, Европа қитъасида Американинг «першингилари» ва қанотли ракеталари пайдо бўлиши амалга оширилган фактга айланиб қолмоқда.

Ҳозирги тарихда илгари асло кўрилмаган кўп муддат — қарийб қирқ йилдан бери Европа тинчлик шароитида яшаб келмоқда. Бунга социализмнинг ҳамдўстлик мамлакатларининг изчил тинчликсеварлик сиёсати, қитъадаги тинчликсевар кучларнинг ғайрат-ҳаракатлари, шунингдек Ғарбдаги соғлом фикрли сиёсатчиларнинг реалистик позицияси туфайли эришиш мумкин бўлди. Европада Шимолий Атлантика Иттифоқи давлатлари билан Варшава Шартномаси давлатлари ўртасида вужудга келган ҳарбий, шу жумладан ядровий кучларнинг тахминий мувозанати Европа хавфсизлиги ва барқарорлиги ишига объектив равишда хизмат қилди.

Энди АҚШ билан НАТО умуман тарози палласини ўз томонига ағдаришга қаратилган қадам қўймоқда. Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчилари чегаралари яқинига жойлаштирилаётган ядровий ракеталар мутлақо Ғарбий Европани ҳимоя қилиш учун мўлжалланган эмас — унга ҳеч ким хавф солаётгани йўқ. Америкининг ракеталари Европа ерида жойлаштирилиши билан Европанинг хавфсизлиги мустаҳкамланмайди, балки АҚШ Европа ҳалқлари бошига фалокат солиши реал хавфи кўчаяди.

Икки жаҳон урушида Америка Қўшма Штатларининг территориясида вайронгарчилик ёнғини содир бўлмаган эди. Вашингтондагилар эндиликда ҳам ўзларининг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини Европада жойлаштириб ва шу тариқа социалистик мамлакатлар учун қўшимча ядро хавфини вужудга келтириб, шу орқали жавоб зарбасини ўз юртидан даф қилишга муваффақ бўлишни ўйламоқчи бўлиб турибдилар. АҚШнинг Ғарбий Европадаги иттифоқчилари хавфсизлигига келганда эса бу парса Америка раҳбарларини башарти Вашингтон ядро урушида ютиб чиқишдан иборат хом хаёлга берилиб, шу урушни бошлашга журъат этгудек бўлса, Қўшма Штатларнинг ўзига ёпириладиган интиқомни Ғарбий Европаликлар ўз жонлари билан, ўз шаҳарлари вайрон бўлиши эвазига камайтира олишлари нуқтаи назаридангина қизиқтираётганга ўхшайди.

Американинг ядровий ракеталари Ғарбий Европада жойлаштирилиши Ғарбда томонларнинг Европадаги кучлари ҳозирги нисбати хусусидаги гўё қандайдир мавжуд хавотирликка нисбатан қўйилган чора сифатида қўйилган қадам эмас. Ҳозирги вақтда Европада НАТО билан Варшава Шартномаси ўртасида ўртача олисликка учириладиган ядровий воситаларда тахминий тенглик сақланиб қолаётганлиги, ядро зарядлари соҳасида эса НАТО томони анчагина устунлиги кўп марталаб, конкрет рақамлар билан исботлаб берилди, Ғарбдаги кўпгина сиёсий арбоблар ва мутахассислар ҳам шунга қўшилдилар. Модомики шундай экан, агар бирон-бир томонда хавотирлик туғилиши мумкин бўлса, НАТО давлатларининг ҳарбий машиналари ҳавф солиб турган Варшава Шартномаси мамлакатларигина хавотирликка тушишлари лозим эди.

Мана шуларнинг ҳаммасини чамалаб кўриб, Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар Вашингтоннинг социализм ижтимоий системасига қарши «салб юриши» эълон қилганлигидан ҳамда ҳозир янги ядро қуролларини бизнинг уйимиз остонаси ёнига жойлаштириш тўғрисида фармойиш берган кимсалар ўзларининг амалий сиёсатини мана шу телбанамо фикрга асосланиб қураётганликларидан кўз юма олмайдилар. НАТОдаги бир қанча мамлакатларнинг ҳукуматлари ўз мамлакатларида Американинг ракеталари жойлаштирилишига рози эканликларини тасдиқлаганларида АҚШ аввал бошданоқ Европадаги ядро қуроллари хусусида ўзаро мақбул бир битимга келишни хоҳламаганини ҳамда бундай битимга келмаслиги учун Женевадаги музокараларда ва ундан ташқарида зўр бериб ҳаракат қилганини билмасликлари мумкин эмас. Совет Иттифоқи, унинг иттифоқчилари ўз хавфсизлигини муҳофаза қилиш учун албатта зарур чораларни кўришларини, АҚШнинг ва умуман НАТОнинг Европадаги кучларининг мавжуд тахминий мувозанатини бузишига йўл қўймасликларини билмасликлари мумкин эмас эди.

Биз Американинг янги ракеталари Ғарбий Европада пайдо бўлиши Европадаги ядро қуроллари юзасидан Женевада олиб борилаётган музокараларни давом эттиришга имкон қолдирмаслигини ҳам аниқ-равшан айтган эдик.

Кейинги кунларда ГФР, Англия ва Италия ҳукуматлари қабул қилган қарорлар бу ҳукуматларнинг ўз халқлари хоҳиш-иродасига зид равишда, ўз мамлакатларининг хавфсизлиги манфаатларига зид равишда ҳамда Европа тинчлиги ва ялпи тинчлик манфаатларига зид равишда Американинг ракеталари ўрнатилишига йўл очиб қўйганликларидан далолат бериб турибди. Шу тариқа улар калтабинлик сиёсатининг оқибатлари учун бутун масъулиятни АҚШ ҳукумати билан бирга ўз зиммаларига олдилар, мана шундай оқибатлар ҳақида Совет Иттифоқи анча илгари огоҳлантириб қўйган эди.

Совет раҳбарлари вужудга келган вазиятнинг ҳамма жиҳатларини пухта равишда чамалаб кўриб, қуйидаги қарорларни қабул қилдилар.

Биринчи. Модомики, АҚШ ўз ҳаракатлари билан Европадаги ядро қуролларини чеклаш масалаларига бағишланган музокараларда ўзаро мақбул битимга эришиш имкониятини барбод қилган экан ҳамда ҳозирги шароитда шу музокараларни давом эттириш АҚШнинг ва НАТОдаги бошқа бир қанча мамлакатларнинг Европа ва халқаро хавфсизликни қўпоришга қаратилган ҳаракатлари учун ниқобгина бўлган экан, Совет Иттифоқи ўзини шу музокараларда бундан буён қатнаша олмайди деб ҳисоблайди.

Иккинчи. Совет Иттифоқи музокараларда муваффақиятга эришиш учун қулайроқ шароит вужудга келтириш мақсадида ўз ташаббуси билан эммасига олган бир томонлама мажбуриятлар бекор қилинади. Шу тариқа СССРнинг Европа қисмида ўртача олисликка учириладиган оператив—тактик ракеталарни жойлаштириш юзасидан бирмунча вақт муқаддам бошланган ва илгари эълон қилинган тайёргарлик ишлари жадаллаштирилади.

Тўртинчи. Модомики, АҚШ ўз ракеталарини Европада жойлаштириш йўли билан Совет Иттифоқи учун ядро уруши хавфини кучайтираётган экан, тегишли совет воситалари шу вазиятни ҳисобга олиб океан районларида ва денгизларда жойлаштирилади. Бизнинг мана шу воситаларимиз ўз характеристикалари жиҳатидан биз ва иттифоқчиларимиз учун Американинг Европада жойлаштирилаётган ракеталари соладиган хавфни бас келадиган бўлади.

СССРнинг ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам кўрилиши ўз-ўзидан равшан.

Биз ўзимиз қабул қилган қарорларни амалга оширишга киришар эканмиз, совет томонининг жавоб чоралари НАТО мамлакатларининг ҳаракатлари тақозо этадиган доираларга қатъий мувофиқ равишда бўлади, деб айтамиз. Биз шуни яна бир бор таъкидлаймизки, Совет Иттифоқи ҳарбий устунликка интилмайди ва биз ҳарбий мувозанат бузилмаслиги учун мутлақо зарур бўлган ишларнигина қиламиз.

Башарти АҚШ ва НАТО даги бошқа мамлакатлар Американинг ўртача олисликка учириладиган ракеталари Европада жойлаштирилаётган пайтдан бошлагунча мавжуд бўлган ҳолатга қайтишга тайёр эканликларини билдирсалар, Совет Иттифоқи ҳам шундай қилишга тайёр бўлади. Шунда бизнинг Европадаги ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш масалалари юзасидан илгари киритган таклифларимиз ҳам яна ўз кучида қолган бўлур эди. Мана шундай тақдирда, яъни аввалги ҳолат қайтадан тикланган шароитда СССРнинг бу соҳада ўз зиммасига олган мажбуриятлари ҳам яна кучга киритилган бўлур эди.

Совет Иттифоқи шуни жуда аниқ-равшан ва қатъий қилиб айтадики, қуролланишт пойгасини, аввало ядровий қуролланишт пойгасини тўхтатиш, ядро уруши хавфини камайтириш ва пировард натижада бу хавфни бутунлай тугатишдан иборат принципиал йўлга содиқ бўлиб қолади. Ў шу олижаноб мақсадларга эришишга бундан буён ҳам ўзининг бутун куч-ғайратларини сарфлайберади.

Совет Иттифоқи Европадаги ядро қуроллари масаласи жуда тубли равишда ҳал этилиши учун аввалгидек ҳаракат қилаверади. Ў ўзининг Европани ҳам ўртача олисликка учириладиган, ҳам тактик ядро қуролидан бутунлай халос қилиш тўғрисидаги таклифини яна такрорлайди.

Совет раҳбарлари АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари раҳбарларига мурожаат этиб, Американинг янги ракеталарини Европада жойлаштириш режаларининг амалга оширилиши уларнинг ўз халқларига, бутун инсониятга келтирадиган ҳамма оқибатлар хавфини яна бир бор пухта ўйлаб кўришга чақирадилар.

Бусиз ҳам биз ҳозир жуда қалтис дунёда яшаб турибмиз. Шу сабабли масъул давлат арбоблари содир бўлаётган ҳодисаларни чамалаб, оқилона қарор қабул қилишлари керак. Инсоний ақл-заковатгина инсониятни даҳшатли хавф-хатардан омон сақлаб қолиши мумкин ва лозим. Биз дунёни тобора хатарли қуролланиш пойгаси йўлига судраётган кишиларни шу йўл билан ҳарбий устунликка эришиш, бошқа халқларга ва давлатларга ўз хоҳиш-иродасини мажбуран ўтказишдан иборат рўёбга чиқмайдиган умидлардан воз кечишга чақирамиз.

Совет Иттифоқи шунга аминдирки, тинчлик қуроллари ярогларнинг тобора янги-янги турларини кўпайтириш ва ихтиро қилиш йўли билан эмас, балки, аксинча, мавжуд қурол-ярогларни мисли-сиз жуда паст даражага туширш йўли билан мустаҳкамланиши ва шу йўл билан халқларнинг хавфсизлиги гарантияланиши мумкин. Фақат катта-катта моддий, интеллектуал ва бошқа ресурслар нобуд сарфланаётганлиги оқибатида инсониятнинг ҳал қилинмай келаётган вазифалари ҳаддан ташқари кўп. Мана шу нуқтаи назардан олганда ҳам ядро қуролини ва бошқа қуролларни тубдан қисқартириш тўғрисида бир битимга эришиш барча халқлар учун наф келтирган бўлур эди.

Совет раҳбарлари совет халқининг хоҳиш-иродасини бажариб, уруш хавфини даф қилиш, ҳозирги ва келажак авлодлар учун тинчликни сақлаб қолиш йўлида бундан буён ҳам ҳамма ишларни қилаверишларини билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Биз, «Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ давом этган экспедицияни тайёрлаш ва амалга оширишда қатнашган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари, ишчилари ҳамда космонавтлари меҳнатимиз доимо қўллаб-қувватланаётганлиги учун, Ватан фани ва техникасининг янги ютуғи муносабати билан самимий табрик сўзлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига чуқур миннатдорчилик изҳор этамиз.

Киши бошқарадиган 150 кунлик учиш давомида илмий-техникавий ва медицина-биология тадқиқотлари ҳамда экспериментларнинг планлаштирилган программаси бажарилди, экипаж очиқ космик фазога икки марта чиққан вақтида «Салют-7» станцияси корпусига кичи бошқарадиган комплекснинг умумий электр қувватини кўпайтириш учун иккита қўшимча қуёш батареяси ўрнатилди.

Космонавтлар Владимир Ляхов билан Александр Александров ўтказган мана шу ноёб монтаж операциялари «Салют-7» орбитал станциясида илмий-тадқиқотлар ва экспериментларни бажариш имкониятларини анча кенгайтиради, ер атрофи орбиталарида киши бошқарадиган катта ҳажмли комплексларни йиғиш реаллиги ҳамда истиқболли эканлигини тасдиқлайди.

Киши бошқарган ва узоқ давом этган навбатдаги учиш муваффақиятли тугалланганлиги шу ишларда қатнашган коллективлар ва корхоналарнинг XI беш йиллик учинчи йили планларини бажаришга қўшган муносиб ҳиссасидир.

Биз космик фазони тинчлик мақсадларида, Ер юзидаги барча кишиларнинг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ўзлаштириш борасидаги янги-янги вазифаларни ҳал этиш учун бутун кучимиз, билимимиз ва тажрибамизни сарфлаймиз, деб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига ваъда берамиз.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, республика саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1983 йил январь—ноябрь ойлари планини муддатидан илгари — 25 ноябрь куни бажардилар.

Кўмир ва нефть қазиб олиш, машинасозлик маҳсулотининг бир қанча турларини, цемент, шифер, шойи газлама, трикотаж, пайпоқ, чарм пойабзал, қайноғи олинмаган сут маҳсулотлари ва буюмларнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш юзасидан ўн бир ойлик планнинг оширib бажарилиши кутилмоқда. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ҒАЙРАТ СУСАЙМАЙДИ

ПИСКЕНТ. Эгамқул Қораев раҳбарлик қилаётган 5-бўлим пахтазорлари «Пискент» совхозига қарашли экин майдонларининг оғир участкасида жойлашган. Шунга қарамай бўлим ишчилари эрта баҳордан буён фидокорона меҳнат қилиб, кўзланган мақсадларига эришдилар. 583 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30,5 центнердан ҳосид йиғиштириб олиннб, давлатга 1900 тоннага яқин «оқ олтин» етказиб берилди ва пахта тайёрлаш йиллик халқ хўжалик плани муваффақиятли бажарилди.

БАРАКАЛИ ХИРМОН

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Шу кеча-кундузда район пахтазорларида 6843 нафар мактаб ўқувчилари йиғим-теримда қатнашмоқдалар. Уларнинг уйган хирмонлари 8 минг 180 тоннадан ошди.

Район мактабларининг ёш ўқитувчиларидан ташкил топган «Педагог—83» зарбдор отрядининг 150 нафар аъзоси ана шу хирмонга 236 тонналик хирмони билан улуш қўшди. Терим суръатининг юқори бўлишида мактаблар ўртасида ташкил этилган ўзаро социалистик мусобақа катта самаралар бермоқда. Ана шу мусобақада бир неча марта ғолиблик қилган 4-, 20-, 24-, 27-мактаблар коллективига районнинг кўчма Қизил байроқлари билан бирга мукофотга енгил автомашиналар ҳам берилди.

27-, 28-, 32-мактаб коллективлари эса область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқларини олишга муваффақ бўлдилар.

ҲАШАР ДЕСА АРЗИЙДИ

БЎКА. Ангрен шаҳрининг план-иқтисод техникуми талабалари мавсум бошидан бери бўкаликларга самарали амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Техникумнинг 380 ўқувчиси «Ленинизм» колхози хирмонига шу кунгача 650 тоннадан зиёд «оқ олтин» териб тўкдилар.

Озода Қўчқорова, Ҳалима Фармонова, Эсонбой Алиқулов, Озода Йўлдошева, Бахтиёр Бахриев, Ёқубжон Ҳалилов сингари талабалар ҳар бири мавсумда 2,5—3 тоннадан пахта териб, мусобақада пешқадамлик қилишди.

ОҚ ОЛТИН·ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 25 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан бери бўён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан бери бўён (планга нисбатан процент ҳисобида)

БЎКА	0,11	110,65	—	106,52
КОММУНИСТИК	0,08	109,10	—	110,19
БЕКОБОД	0,13	105,43	—	75,55
ОҚҚЎРҒОН	0,12	105,27	0,16	108,99
ПИСКЕНТ	0,07	103,27	—	70,06
ЧИНОЗ	0,20	103,25	0,23	79,40
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,05	102,81	—	85,68
ЯНГИЙЎЛ	0,45	100,21	0,68	84,94
Ғалаба	0,15	93,20	0,02	69,37
Область бўйича:	0,13	103,65	0,09	87,69

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети тола ишлаб чиқариш ва пахтани сифатли қайта ишлаш юзасидан пахта заводлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг шу йил ноябрь ойи иккинчи ўн кунлигидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Пахтакор пахта заводи (I ўрин). Бу завод тола ишлаб чиқариш планини 150 процент бажарган, тола олиш планини 0,16 процент ошириб адо этган, 24 тонна пахтани тежаган, ишлаб чиқариш чиқитини 0,1 процент камайтирган, пахтанинг паст сортли толага ўтказилишига йўл қўймаган ва пландан ташқари 14 минг сўм фойда олган. Байроқ Учтепа пахта заводидан олиб берилади.

Чиноз пахта заводи (II ўрин). Бу завод тола ишлаб чиқариш планини 118 процент қилиб бажарган, тола олиш планини 0,1 процент ошириб адо этган, 3 тонна пахтани тежаган, ишлаб чиқариш чиқитлари нормативдан юқори бўлишига ва пахтанинг паст сортли толага ўтказилишига йўл қўймаган ҳамда пландан ташқари 3 минг сўм фойда олган. Байроқ Манғит пахта заводидан олиб берилади.

Учтепа, Жума, Бахт, Верхневолинское, Беруний, Шовот, Янгибозор, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» ва **Далварзин** пахта заводлари коллективларининг яхши ишлаганлиги қайд этиб ўтилди.

ЖАҲОНДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН

СОВЕТ кишилари КПСС Марказий Комтети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг куни кеча марказий матбуотда эълон қилинган Баёнотини зўр эътибор билан ўқиб чиқдилар. Унда партия ва ҳукуматимизнинг ҳозирги мураккаб халқаро шароитда ер юзида тинчликни сақлаб қолиш йўлида кўраётган чора ва тадбирлари аниқ ва равшан баён этилган. Барча тинчликсевар кишилар қаторн областимиз меҳнаткашлари ҳам ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёноти билан ҳамфикр эканликларини билдирмоқдалар.

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

«Халқлар тинчликни сақлаб қолади!» КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг куни кеча эълон қилинган Баёнотини ўқир эканман, ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиққан дono сўзлар ёдимга тушди. Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида ўз бошимдан кечирган даҳшатли кирғинлар, немис фашизмининг ақл бовар қилмайдиган даражадаги ваҳшийликлари кўз олдимда қайта жонланди.

Ҳа, бундай даҳшатларни бкз кўрдик, энди ёш авлодлар уруш нима эканлигини асло кўрмасинлар! ГФР, Англия, Италия давлатлари раҳбарлари АҚШнинг «Першинг-2» ва қанотли ракеталарини ўз мамлакатлари территориясида жойлаштиришга розилик билдириб, ўта калтабинлик қилмоқдалар, ўз халқлари ҳаётини, келажагини хатарли хавф остида қолдирмоқдалар.

Баёнотда таъкидланганидек, ер юзини даҳшатли қуроллар аслаҳахонасига айлантириш йўли билан эмас, балки уларни қисқартириш ва бутунлай тугатиш йўли билангина жаҳонда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мумкин эканлигини совет халқи жуда яхши тушунади. Коммунистик партия ва Совет давлатининг бутун ташқи сиёсати ана шундай олижаноб принципга асосланган-дир. Биз бу сиёсатни асдойдил қўллаб-қувватлаймиз!

Ғулом КАРИМОВ,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Улуғ Ватан урушн нвалиди, «Госкомсельхозтехника» Оржоникидзе район бирлашмаси кадрлар бўлимининг бошлиғи.


ИЗЧИЛ СИЁСАТ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини бригадамиз аъзолари зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдилар. Ҳар бир сўз ва жумласи чуқур маънога тўла бўлган бу Баёнот КПСС ва Совет ҳукумати жаҳонда, шу жумладан, Европада тинчликни янада мустаҳкамлаш, ядро уруши хавфини бартараф этиш, совет кишиларининг тинч яратувчилик меҳнатини муҳофаза қилиш, жаҳон афкор оммасини янги қирғинбарот уруши хавфидан сақлаб қолиш ҳақидаги ғамхўрликларининг яна бир ёрқин намунаси сифатида катта тарихий аҳамиятга эгадир.

Бизнинг давлатимиз Европада ядро қуролларини кўпайтирмаслик, аксинча, уларни камайтириш учун курашиб келди. Лекин АҚШ ва унинг НАТОдаги гумаштлари Европада ядро қуролларини янада кўпайтиришдан иборат рнёкорона йўлдан қайтмади. Бу Совет Иттифоқи ва барча социалистик давлатлар учун янги хавфни вужудга келтирмоқда. Шунинг учун ҳам СССР вужудга келган янги аҳволни ҳисобга олишга мажбур бўлмоқда.

Бригадамиз аъзолари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини тўла қўллаб-қувватламоқдалар. Биз мамлакатимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаш, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш йўлидаги меҳнатимизда янги-янги ютуқларга эришишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Р. ЗИЯЕВ,
«Главташкентстрой» бригадаси бошлиғи, СССР Давлат мукофотн лауреати.



«Узбексельмаш» заводининг машинасозлари янги «УПХ—1,5 В» маркали кўрак чувиш машинасини кўплаб ишлаб чиқармоқдалар. Шу кунларда хўжаликларга пландан ташқари юзлаб машиналар етказиб беришни. Суратда: буёқчи Любовь Гавришева тайёр маҳсулотларни яна бир бор назоратдан ўтказаяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

КОММУНИСТЛАР ВА ҲОСИЛДОРЛИК

Колхозимиз коммунистлари партия XXVI съезди, Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май, ноябрь ҳамда 1983 йил июнь Пленумлари қарорлари асосида иш юритиб, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида авангардликни қўлдан бермаётирлар. Деҳқончилик манбаи ер-сувдан, капитал маблағлар ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, юқори меҳнат самарадорлигига эришиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, фан-техника ютуқларини, илғорлар тажрибасини ҳаётга кенг татбиқ этиш коммунистларимизнинг доимий диққат марказида бўлмоқда. Бунинг ижобий самараси энг аввало хўжалигимиз меҳнаткашлари зиммасидаги план-топшириқларнинг йил сайин муттасил ортиғи билан бажарилаётганлигида ўз ифодасини топмоқда.

Бу йил ҳам картошка, сабзавот, узум, пилла ва чорва маҳсулотлари сотиш планлари 1,5—2 ҳисса ортиғи билан адо этилди. Бунда Ленин, Октябрь Революцияси орденлари кавалери Зуҳур Юсупов, Толиб Отаҳожиев, Маннон Отаҳожиев, Умар Мўминов сингари кўп йиллик партия стажига эга коммунистларимиз раҳбарлигидаги бригадалар коллективларининг айниқса катта ҳиссалари бор. СССР Озиқ-овқат программасини бажаришда тадбиркорлик билан самарали меҳнат қилаётган мазкур бригадаларда картошка ҳосилдорлиги 200—240, сабзавот ҳосилдорлиги эса 400—450 центнерни ташкил қилмоқда.

Хўжалигимизда тўрт гектар майдонда теплица хўжалиги ташкил этилган бўлиб, унга бир неча йиллардан буён коммунист И. Умаров раҳбарлик қилиб келмоқда. Ўтган йили коллектив ишчилари пландаги 229 тонна ўрнига 322 тонна турли хил сифатли маҳсулот олишга эришган эдилар. Бу йил эса ҳозиргача 130 тоннадан ортиқ бодринг ва 100 тоннага яқин помидор ҳосили йиғиштириб олдилар. Улар шу билан бир қаторда сабзавотчилик бригадаларига кўп миқдорда сара кўчатлар етказиб бермоқдалар. Иш жараёни М. Саъдуллаев, К. Иброҳимов, О. Убайдуллаев, С. Файзиева, Р. Иброҳимова каби коммунистларимизнинг доимий назорати остида амалга оширилмоқда.

Деҳқончиликни ривожлантиришда эртаки экинларни пленка остига экишга алоҳида эътибор бераётганлигимиз катта иқтисодий самара бермоқда. Бу борада оилавий пудрат усули жуда қўл келяпти. Ҳар йили район партия комитети ташаббуси билан хўжаликларнинг илғор бригада бошлиқларини ўқитиш ташкил қилинмоқда. Бу биз учун фойдали бўлмоқда. Машғулотлар тугагандан сўнг колхозимиз мутахассислари илғор сабзаворкорлар билан ҳамкорликда олган билимларини умумлаштириб, кундалик ишимизда қўллаш чораларини кўрмоқдалар. Жумладан, алмашлаб экишни кенг йўлга қўйиш мўл ҳосил етиштириш соҳасидаги ишларимизнинг дебочаси бўлмоқда.

Биз қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини интенсив ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган партия комитети йиғилишларида бевосита қишлоқ хўжалигига оид 38 та масала муҳокама қилинди.

Эришилган муваффақиятларга таянган ҳолда биз ҳозирги кунда колхозимиз ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўтариш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, кўплаб давлат маблағини тежаб қолишга эришмоқдалар.

Колхоз партия комитети коммунистларни ва партиясиз активларни сиёсий ҳамда иқтисодий ўқув системаларида билим олишларига алоҳида эътибор билан қарамоқда. Партия сиёсий ўқувига барча коммунистлар, иқтисодий ўқув машғулотларига 112 нафар колхозчи жалб қилинган. Айниқса, Н. Халиулина, Ғ. Субҳонбеков, М. Умаров каби пропагандистларимиз ҳар бир машғулотнинг қизиқарли ва таъсирчан ўтиши учун қайғураётганликлари қувончлидир. Шунга қарамай ҳамма машғулотлар ҳам кўнгилдагидек самара бераяпти, деб бўлмайди. Қўргазмали қуроллардан фойдаланишда, ҳозирги кунги энг муҳим муаммоларни қамраб олишда ҳали-ҳали ва рақсга тушади» фольклор санъатининг округ кўригини ўтказиш ажойиб анъанага (бу йил кўрик 20-марта ўтказиляпти) айланиб қолди. Бундай кўрикларнинг ҳар бирида янги истиқболли ёшлар аниқланади, тантаналар эса ҳақиқий халқ байрамларига айланиб кетади. Кузнинг шу сўнгги кунларида бундай тадбирдан нафақат маданият саройлари ёки клубларда, балки тўрар-жой кварталларида, ҳар бир майдон ва паркларда, меҳнаткашларнинг оммавий дам олиш манзилгоҳларида ўтказиляпти.

Машҳур болгариялик скрипкачи Недялка Симеонова хотирасига бағишлаб симфоник ва камер куйя кунлари ўтказиш ҳам анъана тусига кириб қолди. Дастлаб фақат округ учун хос бўлган бу тадбир тез орада бутун мамлакатда кенг ёйилди ва умуммиллий байрам тусини олиб, анъанага кўра Хасковода ўтказила бошланди.

1985 йилда Хасково шаҳрига асос солинганлигининг 1000 йиллиги нишонланади. Ҳозирданоқ округда бу шонли санага пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан маданият ходимлари ҳам кенг кўламдаги ишларни амалга оширишлари лозим. Хасковоликлар ва округнинг кўп кишилик меҳмонларига янги концерт программалари кўрсатилади. Шунингдек, театрлар репертуарлари янгиланади, музейларнинг экспозициялари бойийди. Бу борада шу йили жонажон шаҳарларининг 2 минг йиллигини нишонлаган тошкентликлар тажрибаси биз учун катта фойда бериши шубҳасиз.

— Биз Тошкент шаҳрида, областнинг қатор районларида, саноат корхоналари ва йирик хўжаликларида, билим юртларида бўлиш имкониятига эга бўлганлигимиздан бағоят хурсандмиз, — деди сўзининг сўнгида Ангел Атанасов. — Биз серқуёш республика меҳнаткашларини болгар халқининг санъати билан таништирибгина қолмай, дўстларимизнинг бадиий ҳаваскорлик ижодиёти ютуқларини ҳам кўриш имконига эга бўлдик. Ўйлаймизки, бундай учрашувлар тошкентликлар ва хасковоликлар ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашни таъминлайди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

75 МИНГ СЎМ ТЕЖАЛДИ

АНГРЕН керамика комбинати коллективи ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида самарали меҳнат қилмоқда. Давлат планларини ой сайин ортиғи билан бажариляпти. Шу йилнинг ўтган даврида топшириқдагидан ташқари ўнларча минг сўмлик турли-туман керамика маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва қурилишларга етказиб берилди.

Корхона коллективининг меҳнат муваффақиятларига новаторлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ўзларининг ижодий изланишлари билан ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, кўплаб давлат маблағини тежаб қолишга эришмоқдалар.

Корхона ихтирочилари ками билан 90 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган тадбирларни амалга оширишда ҳақидаги ваъдаларининг устидан чиқишяпти. Улар шу йилнинг ўтган даври ичида 45 та таклиф билан чиқдилар. Уларнинг 34 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бу коллективга ҳар йили 75 минг сўмлик давлат мабла-ғини тежаб қолиш имконини беради.

М. МАҲМУДОВ.

ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ

28 НОЯБРДА В. И. ЛЕНИН ТОМОНИДАН ХАЛҚ КОМИССАРЛАРИ СОВЕТИНИНГ «РОССИЯ РЕСПУБЛИКАСИДА СТРАХОВАНИЕ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА» ДЕКРЕТИ ИМЗОЛАНГАНЛИГИГА 65 ЙИЛ ТЎЛАДИ

Мамлакатимизда давлат страховацияси системасининг тузилиши доҳиймиз В. И. Ленин номи билан боғлиқдир. Бундан олтмиш беш йил муқаддам В. И. Ленин Халқ Комиссарлари Советининг «Россия республикасида страхование ишини ташкил этиш ҳақида» Декретига имзо чеккан эди. Ўтган давр ичида мамлакатимизда давлат страховацияси ичил ривожлантирилди. Шу жумладан областимизда ҳам страхование ишининг форма ва методлари такомиллашиб борди.

Областимизда давлат страховацияси асосан шаҳар, район инспекциялари томонидан амалга оширилади. Ҳозир областимизда территориясидаги 8 шаҳар ва 15 районда ана шундай инспекциялар фаолият кўрсатмоқда. Бу бўлинмалар колхозлар, совхозлар, кооператив ва жамоат ташкилотлари, гражданларнинг шахсий мулклари ва ҳаётларини страхование қилади. Кейинги ўн икки йил ичида страхование суммаси кескин ўсди. Агар 1970 йилда страхование тўловлари суммаси 1426,9 минг сўмни ташкил этган бўлса, 1983 йилда 14197,1 минг сўмга етди ёки ўн бараварга кўпайди. 1970 йилда ҳаммаси бўлиб 161247 страхование шартномаси тузилган бўлса, 1983 йилда уларнинг сони уч бараварга ошди ёки 529786 тага етди.

Ангрен, Янгиобод, шаҳарлари давлат страховацияси инспекциялари коллективлари бу ишда бой тажриба тўплашган. Бу бўлинмалар ўзларининг юқори кўрсаткичлари билан фақат республикадагина эмас, Бутуниттифоқ мусобақаларида ҳам юқори ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Кейинги йилларда областимизда страхование агентларининг бригада методида ишлаши кенг ёйилмоқда. Ҳозир бошқармамиз бўйича 417 страхование агенти бўлиб, уларнинг 192 нафари 42 бригадага бирлашган. 133 страхование агентини ўз сафига бирлаштирган 29 бригада эса энг прогрессив усулда ишламоқда.

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида бригада методи айниқса кенг ёйилди. Масалан, шу йил бошида 98 нафаргина страхование агенти бригада асосида ишлаган бўлса, тўртинчи кварталга келиб бу усулда ишловчиларнинг сони икки баробарга кўпайди.

Биз уларнинг илғор тажрибаларини умумлаштираяпмиз ва кенг ёймоқдамиз. Жумладан, бошқармамиз томонидан Янгиобод шаҳар давлат страховацияси инспекциясининг илғор бригада методи умумлаштирилди, плакат сифатида нашр этилди.


Иттифоқдош республикалар илғор тажрибаларини ҳам ўрганиб, ҳаётга изчил татбиқ этмоқдамиз. Яқинда бир группа ходимлар Украина ССР Давлат страхование бошқармаси ва инспекцияларида бўлиб, уларнинг илғор тажрибаларини ўрганиб қайтдилар.

Бундай илғор иш тажрибаларини қўллаш туфайли областимиз давлат страховацияси ходимлари юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. План ва социалистик мажбуриятлар зиёдаси билан адо этилмоқда. Айниқса, Ангрен, Янгиобод, Наримонов шаҳарлари давлат страховацияси инспекциялари катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Шаҳар, район давлат страховацияси инспекциялари агентлари ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. Улар «Коммунистик меҳнат зарбдори», «Ўзбекистон устаси», «Мусобақа пешқадами» шарафли номлари учун курашмоқдалар. 288 киши Коммунистик меҳнат зарбдори, 109 киши эса «Ўзбекистон устаси» номини олишга муяссар бўлган.

Страхование шартномаларининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги халқ фаровонлигининг ўсиб боришининг бир белгиси, фаровонлик кўзгусидир. Биз страхование органлари фаолиятини такомиллаштириб борамиз, самарали методларни кенг жорий этамиз, шу асосда аҳолига намунали хизмат кўрсатамиз.

А. ТУРСУНОВ,
область давлат страхование бошқармасининг бошлиғи.



● «СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» бирлашмасида ўз касбини пухта эгаллаган кўплаб ишчилар меҳнат қилишади. Шундай тажрибали ишчилардан созловчи Раҳмат Умаров шахсий меҳнат беллашувида доим пешқадамлар сафида боряпти. У ҳар сменада нормани бир ярим баравар ва ундан ҳам оширибадо этмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ДАЪВАТГА ЖАВОБАН

Пахтакорлик ўзбек халқи учун ота мерос, авлод-аждодларимизнинг касби ва бурчи бўлиб келган. Айниқса, бугунги долзарб пайтда бутун халқ, катта-ю кичик қалб амри билан пахтазорда.

Мамлакатимизда ўқувчи ёшлар ва олий мактаб студентларининг меҳнатдаги ватанпарварлик ҳаракатлари уларнинг ғоявий эътиқоди нақадар мустаҳкам эканлигини кўрсатиб турибди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Меҳнат унумдорлигини тубдан ошириш — иқтисодий соҳадаги энг муҳим вазифадир. Аммо расмиятчилик, ҳадиксираш, баъзан эса фикрлашдаги ялқовлик бу йўлда бизнинг энг катта душманимиздир».

Кишиларни тарбиялашда меҳнат тарбияси асосий роль ўйнайди. Ижтимоий ҳаётнинг бутун тараққиётида инсон тарбияси меҳнат тарбияси билан узвий равишда боғланиб келганлиги аниқ ва равшандир. Шунинг учун ҳам умумхалқ иши бўлган пахта йиғим-теримида қатнашиш кишиларимизнинг онгли ватанпарварлик, интернационал ва жонажон иши деб қабул қилинган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига Тошкент область Давлат педагогика институтининг бутун коллективи ҳам биринчилардан бўлиб лаббай деб жавоб берди. Институтимизнинг 1300 дан ортиқ студент ва ўқитувчилар коллективи Бўка район «Бўка» совхозида 30 сентябрдан бошлаб ўзларининг муқаддас ва шарафли бурчларини бажаришга киришдилар. Улар бугунги кунга қадар 1200 тоннадан ортиқ «оқ олтин»ни давлат хирмонига топширдилар.

Пахтакорлик ўзбек халқи натижасидир. Биз аввало биринчи кунлардан меҳнат интизомига катта эътибор бердик. Студентлар ва факультетлараро мусобақа ташкил қилинди. Ҳар куни, шунингдек беш кунлик якунига кўра ғолиблар аниқланди, улар моддий ва маънавий рағбатлантириб турилди. Ўзаро мусобақада математика факультети (декани доцент Т. Турғунов) мавсум бошидан буён биринчиликни қўлдан бермай келмоқда.

Факультетда меҳнат интизоми жуда яхши йўлга қўйилган, сабабсиз бирорта студент ёки ўқитувчи бу умумхалқ ишидан четда қолмайди. Шунингдек ҳар куни иш олдидан қисқагина линейка ўтказилиб, кечаги кунги иш натижаси якунланади, илғор студент рағбатлантирилади ва янги вазифалар кўрсатиб ўтилади. Ундан ташқари пахта теришда отрядлар ўрни кўрсатилган кўргазма тахта мавжуд. Ҳар куни эрталаб яхши теримчилар ва қолоқлар номи қизил ва қора рангларда ёзиб қўйилади. Ҳар ҳафтада жанговор варақа чиқарилади. Институтнинг ҳамма факультетларида ишдан кейин тўхтовсиз қизиқарли кечалар, лекциялар ўтказилиб турилади. Шу пайтгача, жумладан «Балли қизлар», «Ким чаққон», «Пазандалик конкурси», «Йигитлар бахси», «Мушонра» кечалари ўтказилди. Шунингдек, лекциялар ташкил этилди. Яқиндагина КПСС тарихи ва сиёсий иқтисод кафедраси қатта ўқитувчиси С. Сулаймоновнинг «Совет ёшларининг маънавий қиёфаси ва меҳнат» деган темадаги доклади жуда қизиқарли ва мунозарали ўтди.

«Рейганнинг ҳалокатли жонбозлик билан қилган меҳнатининг самарасидир. Биз сиёсати», «Совет халқи тинчлик яловбардори» деган мавзулардаги докладлар ҳам тингловчиларда катта таассурот қолдирди. «Ким ишлашни хоҳласа имконият қидиради, ким ишлашни хоҳламаса баҳона қидиради» ёки «Пахтазор мардлар майдони», «Даъвогарлар оромида ўрин йўқ», «Пахтазор жасоратга чорлайди», «Сифат — бош мезон» каби шиорлар кўринарли жойларга осиб қўйилган.

Маълумки яхши ишлаш учун яхши шароит яратилган бўлмоғи керак. Бунинг учун имкони борича студентларга қулай шароит яратиб берилган. Бу эса ютуқлар гарови бўлмоқда.

Актив отрядлар, комсомол ташкилотлари, студентлар жамоатчилиги ўртасида ҳар кунги иш натижаси муҳокама қилинади.

Сиёсий аҳборот, информация, лекция ва конференциялар мобайнида биз меҳнат ва уруш ветеранлари билан учрашишни анъанага айлантирганмиз. Шу вақтда тантанали равишда илғорларга «Фахрий ёрлиқлар» топширилади, 5 кунлик якунида биринчиликни олган илғор отряднинг ҳурмати учун ҳафта охиригача байроқ кўтарилади.

Ўз қадр қимматини билган ҳар бир киши бугун пахтакор, у меҳнатдан ўзини четга тортмайди, чунки ўзини ҳурмат қилган инсон ўзига топширилган ишни енгил-елпи бажармайди, масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда, уни виждонан ва шараф билан адо этади. Бизнинг энг кенжа институтимиз вакиллари ҳам шу ишда бутун куч ва имкониятларини ишга солаверадилар. Чунки бу халқ даъвати, партия даъватидир.

С. НОСИРХЎЖАЕВ,
Тошкент область давлат педагогика институти ректори.
Д. ТЎХЛИЕВ,
институт доценти.

«ҲОСИЛ—83»

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Болгария халқ республикаси Хасково округи бадиий ҳаваскорлик коллективи ва вокал-эстрада группалари тўрт кундан бери Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Улар Тошкент область меҳнаткашларини ўз санъатлари билан таништирмоқдалар. Қардош мамлакатдан келган группаларга Болгария Коммунистик партияси Хасково округ комитети маданият секторининг мудири Ангел АТАНАСОВ ҳамроҳ бўлмоқда. Биз А. Атанасовдан «Тошкент ҳақиқати» газетхонларига қардош республика маданияти, санъатини ривожлантириш учун қандай тадбирлар кўрилаётганлиги ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Келаси йил биз Болгария Социалистик Революциясининг 40 йиллигини тантана қиламиз. 1944 йилнинг 9 сентябрида рўй берган воқеа Болгария халқи ҳаётида кескин бурилиш ясади. Айнан ана шу кунлардан бошлаб халқимиз ўз мамлакатининг ҳақиқий эгаси бўлди, шу кунлардан бошлаб СССР ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан дўстона алоқалар ўрнатила бошланди.

Болқон ярим оролидаги кичик мамлакат 40 йил ичида гуллаб яшнади. Гарчанд мамлакатнинг иқтисодий потенциалини қуриб битказилган завод ва фабрикалар, шахта ва электростанциялар, темир йўллар ва магистраллар белгиласада, лекин халқимиз турмуш даражасининг юксалишини фақат шу мезон билангина ўлчамаймиз. Муҳими халқ хўжалигининг турли тармоқлари ривожланиши билан бирга маданият ва санъат ҳам юксала борди, халқимизнинг маънавий эҳтиёжлари қондирила бошланди. Шунинг учун ҳам биз доимо халқимизнинг маданияти ва санъати айни пайтда қайта туғилиб, гуллаб-яшнаётганини мамнуният билан ёдга оламиз.

Ўтмишда мамлакатнинг энг қолоқ ўлкаларидан ҳисобланган Хасково округида бу айниқса яққол кўзга ташланади. Округнинг катта ёшдаги аҳолиси қашшоқ халқнинг пастқам кулбаларини, кўримсиз тамаки омборларини, кичик аравалар базўр сиғадиган тор кўчаларни яхши эслайдилар. Ҳозир ўша манзараларни фақатгина тарихий фотосуратларда кўриш мумкин. Айни пайтда Хасково округи маданияти юксалган ўлкага айланди. Ҳозир бу ерда 430 кутубхона, 205 маданият уйи, 180 радиоузел, 60 китоб магазини, 2 та округ музейи, 3 та театр, 160 кинотеатр ишлаб турибди.

Хасковоликлар санъатга чанқоқ эканликларини қуйидаги рақамдан ҳам билиш мумкин: 1944 йилда округда бор-йўғи 7 та кичик кинотеатр ишлаб турган бўлса, ҳозирги вақтда улар 160 тадан ошиб кетди. Айни пайтда 23 мингдан зиёд санъаткорлар бадиий ҳаваскорлик коллективларига бирлашганлар. Улар миллий фестивалларда, кўрик ва конкурсларда бир неча бор юксак мукофотларни олишга сазовор бўлишган. Жумладан, ҳозир Тошкентда меҳмон бўлиб турган Свиленграднинг фольклор ансамбли VI республика бадиий ҳаваскорлик фестивалининг олтин медалини олишга муяссар бўлган. Шунингдек, Тошкентда ўз санъатини намойиш этаётган «Ринг» вокал-эстрада группасининг қатор кўрик ва конкурслардаги чиқишлари юксак баҳоланди.

Округда яна кўплаб ижодий коллективлар ташкил этилган. «Родная песня» аралаш хори ва Хасководаги «Заря» клуби қошидаги эстрада-сатирик бригадаси, «Яшнаётган Фракия» ансамбли, Харманли шаҳрининг «Славянлар» вокал-чолғу коллективи, Димитровграддаги «Шахтёр» клуби қошидаги рақс коллективи, Добрич қишлоғининг мамлакатдаги ягона ҳалқ қўғирчоқ театри, «Орфей» болалар хори ва бошқалар шулар жумласидандир.

1985 йилда Хасково шаҳрига асос солинганлигининг 1000 йиллиги нишонланади. Ҳозирданоқ округда бу шонли санага пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан маданият ходимлари ҳам кенг кўламдаги ишларни амалга оширишлари лозим. Хасковоликлар ва округнинг кўп кишилик меҳмонларига янги концерт программалари кўрсатилади. Шунингдек, театрлар репертуарлари янгиланади, музейларнинг экспозициялари бойийди. Бу борада шу йили жонажон шаҳарларининг 2 минг йиллигини нишонлаган тошкентликлар тажрибаси биз учун катта фойда бериши шубҳасиз.

— Биз Тошкент шаҳрида, областнинг қатор районларида, саноат корхоналари ва йирик хўжаликларида, билим юртларида бўлиш имкониятига эга бўлганлигимиздан бағоят хурсандмиз, — деди сўзининг сўнгида Ангел Атанасов. — Биз серқуёш республика меҳнаткашларини болгар халқининг санъати билан таништирибгина қолмай, дўстларимизнинг бадиий ҳаваскорлик ижодиёти ютуқларини ҳам кўриш имконига эга бўлдик. Ўйлаймизки, бундай учрашувлар тошкентликлар ва хасковоликлар ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашни таъминлайди.

ТОШКЕНТ—ХАСКОВО

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ХЎЖАЛИК ҳисобидаги 18-автокорхона республикамизда сув хўжалиги қурилишлари учун марказлаштирилган усулда юк ташувчи йирик коллективлардан саналади. Ҳар куни автокорхонанинг 210—215 та қудратли «КамАЗ» машиналари турли объектлар қурилиши учун бинокорлик материаллари ташишда қатнашмоқда.

Яқинда қувончли хушхабар тарқалди. Ҳайдовчилар беш йилликнинг марказий учинчи йили давлат планларини муддатидан илгари адо этганликларини тўғрисида рапортига имзо чекдилар. Объектларга 876,8 минг тонна қурилиш материаллари етказиб берилди. Юк оборати ҳажми салкам 78 миллион тонна-километрни ташкил этди. Парклардан фойдаланиш коэффициенти плани 100 процент ва меҳнат унумдорлиги 127,5 процент қилиб бажарилди.

— Бу меҳнат муваффақиятига, — дейди автокорхона директори Равшан Байрамов, — ишни намунали ташкил этганимиз, меҳнат интизомига қатъий риоя қилганлигимиз туфайли эришдик. Мавжуд 11 та ҳайдовчилар бригадаси ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилди. Ҳар ойда мусобақа сарҳисоб қилиниб, объектларга материалларни тез ва соз етказиш, машиналарни унумли ишлатиш, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлардан тежамкорлик билан фойдаланишда яхши кўрсаткичларга эришган коллективлар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилмоқда.

Ишни бригада пудрати асосида олиб бораётган, коммунистик меҳнат бригадаси деган фахрли номга сазовор бўлган олти коллектив мусобақада доим пешқадамлик қилишмоқда. Бу ўринда коммунист Михаил Кордин, Владимир Мухачёв, Вячеслав Мамонтовлар бошчилик қилган бригадалар ҳайдовчилари бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Меҳнатда коммунист ҳайдовчилар авангард бўлишяпти. Коммунистик меҳнат зарбдорларидан Леонид Ушаков, Омон Гизатулин каби шофёрлар кунлик топшириқларини 125—130 процентдан уддаламоқдалар. Улар ёш ҳайдовчиларга устозлик қилишда ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Шу кунларда ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили ҳисобига меҳнат қилаётган ҳайдовчилар янада юксак марраларни эгаллаш учун социалистик мусобақани янада авж олдирмоқдалар.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.
Ўрта Чирчиқ райони.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

ЧОРА КЎРИЛДИ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ шу йил 17 август сонида «Вақт кутиб турмайди» сарлавҳали мақолада Пискент районидаги «Гулистон» колхозни сут-товар фермасида йўл қўйилган хато ва камчиликлар танқид қилинган эди. Район партия комитетининг биринчи секретари У. Баҳодировнинг юборган жавоб хатида таъкидланишича, мақола район партия комитетининг бюросида ва колхоз правлениеси, партия ташкилотининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинган. Мақолада кўрсатилган камчиликлар тўла тасдиқланган. Бундай камчиликка йўл қўйгани учун колхоз раисининг чорвачилик ишлари бўйича ўринбосари Анорқул Ўмирқулов, бош зоотехник Қаршибой Боймақовлар қаттиқ огоҳлантирилди. Камчиликларни бартараф қилиш, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун етарли ем-хашак базаси тайёрлаш бўйича аниқ тадбирлар белгилаб олинди.

ЎҚУВЧИЛАРГА МУНОСИБ СОВҒА

Бўка районидаги «Коммунизм» колхози иқтисодий бақувват хўжаликлардан ҳисобланади. Бу ерда кейинги йиллар ичида қатор маданий-маиший, тиббий, маъмурий бинолар қад кўтарди. Яқинда фойдаланишга топширилган 1200 ўринли янги типдаги мактаб эса колхоз правлениесининг болаларга муносиб туҳфаси бўлди.

Кенг кўламдаги спорт комплекси: 7000 ўринли стадион, ёпиқ бассейн, тир, ишлаб чиқариш устаҳоналари, тўла кабинетлашган системага ўтган ўқув хоналари, кинозал, ўқув-тарбия имкониятларини кенгайтирди.

Янги мактабда колхозчиларнинг болалари учун ҳамма зарур шарт-шароитлар мавжуд. Кутубхона, ўқиш зали, кенг ёруғ ошхона, буфет, медпункт, ўқувчилар хизматида бўлади. Куни узайтирилган группадагиларга мўлжалланган хоналар, айниқса, эътиборни тортади.

Бу объект бир йилу тўрт ой ичида қуриб битказилди. Чирой ва безакда у шаҳар мактабларидан қолишмайди. Ҳовлидаги гулзорлар, хиёбонлар, фонтанчалар, очиқ сув ҳавзалари ёзнинг иссиқ кунларида ҳавонинг софлигини таъминлайди.

Мактаб дарвозасига олтиндек товланиб турган бронза барельеф мактабнинг Ҳамид Олимжон номи билан аталишини билдиради.

— Биз бундай катта ва гўзал бинони бунёд этган Темир Сайдиев бошлиқ колхоз қурилиш бригадасидан миннатдормиз, — дейди хўжалик раҳбари Саидраҳим Соймоқов. — Келгусида мазкур мактабнинг тажриба маскани бўлиб қолишига ишонамиз. Зеро, бу ерда ўз касбига ихлос қўйган, маориф соҳасида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган кекса педагоглар, ёш ўқитувчилар болаларга билим беришяпти.

Мактабнинг очилишига бағишланган тантанада колхозчи ота-оналар, педагоглар сўзга чиқиб колхоз правлениесига, қурувчиларга миннатдорчилик билдирдилар.

О. ПОРСИЕВ.

ШИЖОАТ, ИШТИЁҚ, САДОҚАТ

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИБ, ЕТИШТИРИЛГАН ҲОСИЛНИНГ СЎНГГИ МИСҚОЛИГАЧА ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР



● Ҳ. ТУРСУНҚУЛОВ номли колхознинг ташаббускор бригада бошлиғи Тошканбой Темиров. Бу бригада аъзолари ҳар йили мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирадилар.



● КАЛИНИН номли колхознинг кўпмингкилограммчи теримчиси Дилбар Ҳожибоева. У мавсумда 8 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» терди.



● РАЙОНДА биринчилар қатори пахта тайёрлаш планини бажарган Ленин номли колхознинг илғор бригада бошлиғи Жалил Абдутолипов.

ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК САМАРАСИ

А. ҚОДИРОВ,
халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси

ЯНГИЙЎЛЛИК пахтакорлар КПСС XXVI съезди, партиямиз Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашга бориб, қувончли меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга пахта сотиш юзасидан ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилига белгиланган план муваффақиятли бажарилди. Она-Ватан янгийўллик заршунослардан 32 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо хом ашё қабул қилиб олди.

Бу меҳнат ғалабасига осонлик билан эришилгани йўқ. Баҳорнинг қуруқ келиши, ёзда ҳароратнинг ҳар қачонгидан юқори бўлиши катта майдонларда чигитни текис ундириб олиш, гектарларнинг тўлиқ бўлишини таъминлаш, ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлиб ўсишига эришишда катта қийинчиликлар туғдирди. Лекин азамат пахтакорларимиз, механизаторларимиз, миришкор сувчиларимиз ҳам бўш келмадилар.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари пахта йиғим-терими мавсумда ташкилотчилик, оммавий-сиёсий, умумий сафарбарлик ишларини ҳар қачонгига қараганда кучайтириб юбордилар.

Бу йил пахтанинг янги давлат стандарти бўйича қабул қилиниши ва харид нархининг оширилиши пахтакорларнинг давлатга аъло сифатли «оқ олтин» етказиб беришдан манфаатдорликларини оширди. Район бўйича ялпи ҳосилнинг 70 процентга яқин сортларга топширилди. Бу хўжаликларга каттагина қўшимча даромад олиш имконини беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг оташин Мурожаати ҳамма жойда кўтаринки меҳнат кайфиятини вужудга келтириб, пахтакор, механизатор ва ҳашарчиларни етиштирган мўл ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда жасорат ва матонат намуналарини кўрсатишга руҳлантириб юборди. Районимиз партия, уруш ва меҳнат ветеранлари ажойиб ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар областимиздаги барча партия, уруш ва меҳнат ветеранларини пахта йиғим-теримида фаол иштирок этишга даъват этдилар, ўзлари теримда катта ибрат кўрсатдилар. Коммунист ва комсомоллар «оқ олтин» тақдири учун курашнинг олдинги сафида бўлдилар.

Районимиз пахтакорларининг меҳнат ғалабасига Меҳнат Қизил Байроқ ордени машъал «Коммунизм» колхози заршунослари салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар ҳозиргача ҳар гектар ердан 37 центнердан хирмон кўтардилар. Ҳўжалик пахтакорлари ялпи ҳосилни 5000 тоннага етказиш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини ҳам бажариш олдида турибдилар.

Беш йилликнинг учинчи йилида Ленин номли колхоз пахтакорлари ҳам фидокорона меҳнат қилдилар. 1400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 36 центнердан хирмон кўтарган колхоз аъзолари эндиликда ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиш иштиёқида давлатга пахта топширишни давом эттирмоқдалар.

Калинин номли, «Партия XXI съезди», «СССР 60 йиллиги» колхозлари пахтакорлари ҳам йиллик планларини муваффақиятли бажариб қўйдилар.

Илғор бригада ва звенолар ўртасида бу йил «оқ олтин»дан мўл ва эртаги ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақа кенг авж олди. «Коммунизм» колхозининг Х. Ғуломов, О. Азимхўжаев, Э. Тойбеков, Ж. Душабоев, Р. Хўжамқулов, П. Далабоев, Р. Жалолов, «Интернационал» колхозининг Д. Ўросов, «СССР 60 йиллиги» колхозининг С. Фахриддинов, Калинин номли колхознинг Т. Ҳамробекова, П. Шодиев, Т. Тўхтаев, Ленин номли колхознинг Ж. Абдутолипов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Н. Зоирхўжаевлар бошлиқ бригадалари ва звенолари ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили ҳозирнинг ўзидаёқ 37—42 центнерни ташкил этди.

Бу йил дала гвардиячилари катта синовдан ўтдилар. Чунки, машина теримини ҳар бир бригаданингина эмас, қолаверса ҳар бир даланинг шароитини, ҳосилнинг пишиб етилишини ҳисобга олган ҳолда табақалаб ўтказишга тўғри келди. Мавсумда районимиз далаларида 180 га яқин терим агрегати ишлади. Уларнинг бункерларидан 17 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўкилди. Бу йилги шароитда «оқ олтин» хирмонининг тезроқ юксалишига муносиб ҳисса қўшган ва мавсумда бункерлардан 100—120 тоннадан «оқ олтин» тўккан «Интернационал» колхозининг А. Амруллаев, С. Чахаев, Қ. Ўнгарбоев, М. Бойназаров, «СССР 60 йиллиги» колхозининг У. Турғунов, Калинин номли колхознинг М. Абдуқодиров, Қ. Маҳрамов, Б. Абуев, «Коммунизм» колхозининг А. Исоқжонов, Н. Азимжонов, К. Сирожиддинов, САМИС тажриба хўжалигининг К. Эгамқулов, Б. Аширов каби моҳир механизаторларининг номларини фахр билан тилга оламиз.

Мавсумда теримчилар ўртасида кўпмингкилограммчилар ҳаракати кенг қулоч ёйдирилди. Минглаб чевар теримчилар хирмонга 7—8 тоннадан «оқ олтин» тўкди. Ленин номли колхознинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Г. Болтабоева, Н. Қосимова, «Партия XXI съезди» колхозининг Н. Султонова ва Р. Раҳматулина, «Коммунизм» колхозининг Ф. Достонова, А. Исҳоқжонова, Н. Акбарова, М. Саъдибоева, Н. Ниёзов номли колхозининг Г. Алиева, С. Умурзоқова, Калинин номли колхознинг Ш. Шаманова, Ҳ. Нуфарова, Н. Шодиева каби чевар теримчилари ҳозиргача 10—11 тоннадан «оқ олтин» териб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажардилар.

Ўзларини пахтакор деб билган районимиз саноат корхоналари, ташкилот ва муассасаларининг ишчи-хизматчилари, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг талабалари ва ўқитувчилари қалб амри билан далаларга чиқдилар, белга этак тутиб, «оқ олтин» йиғим-теримида пахтакорларга ҳақиқий мададкор бўлдилар.

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида районимиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришда ҳам қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Давлатга пилла, дон, шоли, картошка, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, каноп пояси сотиш бўйича белгиланган план ва олинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилди. Жамоат чорвачилигини ривожлантириш, сут, гўшт, тухум етиштириш ва давлатга сотишни янада кўпайтириш учун барча резервлар ишга солиняпти.

Районимиз пахтакорлари йиғим-теримнинг якунловчи палласида ҳам ғайрат-шижоат, фидокорлик намуналарини кўрсатадилар ва етиштирилган «оқ олтин»ни сўнгги мисқолларигача йиғиб-териб олиб, она-Ватан омборларига етказиб берадилар ҳамда келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратиш, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун барча чораларни кўрадилар.



● Улуғбек АҲМЕДОВ Назарали Ниёзов номли колхознинг пешқадам дала гвардиячиларидан биридир. Машина терими мавсумида у «зангори кема»сини моҳирлик билан бошқариб, хўжалик хирмонини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшди. В. Портнов фотоси.

ЁНМА-ЁН ТУРИБ

ФАБРИКАМИЗ коллективи пахта йиғим-терими бошланиши билан отаолиғиниздаги «Коммунизм» колхози пахтакорларига ёрдамга отланди. 200 дан ортиқ ишчи-хизматчимиз белига этак тутиб, «оқ олтин» терди. Уроқ ва Болға иттифоқига садоқатини амалда исботлади. Ҳозиргача колхоз хирмонига 210 тоннадан ортиқ пахта тўкдик.

Коллективимизнинг отаолиғимиздаги колхоз меҳнат аҳли билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Биз хўжаликка чигит экиш, ғўзага ишлов беришнинг долзарб дамларида техника, эҳтиёт қисмлари етказиб беряпмиз, қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда ёрдам кўрсатмоқдамиз.

Ишчи-хизматчиларимизнинг айни кунларда ҳам далада, пахтакорлар билан бир сафда туриб «оқ олтин» тераётган ҳолда учратасиз. Кунига хирмонга тўкаётган пахтамиз 1—2 тоннадан кам бўлмаётир. Биз мавсум охиригача яна камида 15 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олганмиз.

Ҳ. САЙДУЛЛАЕВ,
Янгийўл мебель фабрикасининг директори.

БУНКЕРДАГИ НУР

Касбим — механизаторлик. Кўп йиллардан буён ана шу шарафли касбимни ардоқлаб келаётганлигим, колхозимиз пахтакорларининг оғирини енгил, мушкулини осон қилаётганлигимни ўйласам қалбим ифтихор ҳисси билан тўлиб тошади.

Бу гапларни бежиз айтганим йўқ. «Зангори кема» бункерига капалакдек ўйнаб, нурдек товланиб тушаётган пахта кимнинг ҳавасини келтирмайди дейсиз! Кунига бункердан 4—5 тоннадан «оқ олтин» терганимда ҳам 10—50 теримчининг ишини бажаришимчи!

Ўн биринчи беш йиллик учинчи йили «оқ мавсуми» барча пахтакорлар қатори биз, дала гвардиячилари учун ҳам улкан синов бўлди. Юз берган табиий қийинчиликлар туфайли ҳосилнинг етилиши анча кечикди. Бу бизнинг ҳар қачонгига қараганда фидокорлик кўрсатишимизни тақозо этди. Колхозимиз дала гвардиячилари не-не машаққатлар, реза-реза пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»нинг сўнгги мисқолигача йиғиб-териб олиш учун эўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳозиргача давлат қабул пунктларига етказиб берилган ҳосилнинг 70 процентдан ортиғи «пўлат этак»лардан тўкилди.

Мен ишлаётган М. Абдураҳимов бошлиқ 3-бригада аъзолари пахта тайёрлаш йиллик планини колхозда биринчилар қатори бажаришди. Қабул пунктларига етказиб берилган 225 тонна «оқ олтин»нинг 75 проценти «зангори кема»лар ёрдамида териб олинди. Бунда менинг ҳам улушим борлигидан қувонаман. Ўзим «зангори кема» бункеридан мавсумда 105 тонна дур тўкишга муваффақ бўлдим.

У. ТУРҒУНОВ,
«СССР 60 йиллиги» колхозининг механик-ҳайдовчиси, область Советининг депутати.

10 ТОННАДАН КЎП

Пахта йиғим-терими бошланиши олдидан мавсумда 10 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган эдим. Ана шу ваъдага вафо қилиш йўлида астойдил ғайрат қилдим. Кунига 140—150 килограммдан ва бундан ҳам ошириб «оқ олтин» тердим. Яқинда ҳисоблаб кўрсам, мавсум бошидан буён терган пахтам 10,4 тоннадан ошиб кетибди.

Теримчилар ўртасидаги социалистик мусобақага ўз вақтида якун ясалиб, ғолиблар қимматли буюмлар билан рағбатлантириб турилди. Раҳима Раҳматуллина, Гулнора Султонова, Мавжуда Масаминова каби чевар теримчилар 8—10 тоннадан «оқ олтин» териб, яхши натижаларга эришдилар.

Н. СУЛТОНОВА,
«Партия XXI съезди» колхозининг 2-бригадаси теримчиси.



● «ЛЕНИНИЗМ» колхозининг моҳир бригада бошлиғи Тўлқин Муҳиддинов. У етакчилик қилаётган коллектив социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.



● САИДАҲМАД Охунов — тажрибали пахтакор. У «Партия XXI съезди» колхозининг илғор бригада бошлиғидир.
Р. Галиев фотолари.

Колхоз партия комитетининг секретари Э. Ражабов билан пахта йиғим-теримининг бориши, «оқ мавсум»нинг якунловчи палласида коммунистларнинг активлиги ҳақида суҳбатлашиб ўтирган эдик, эшик оҳиста очилди.

— Мумкинми, Эргаш Ёқубович?

— Марҳамат, Пошша ака, кираверинг! — партком секретари ўрнидан туриб, ҳалиги кишини илиқ кутиб олди.

— Колхозимизнинг актив коммунистларидан, илғор бригада бошлиқларидан бири Пошша ака Шодиев шу киши бўладилар, — таништирди партком секретари.

— Таништириб ўтиришингизнинг ҳожати йўқ, — кулдик биз. — Пошша ака билан кўпдан танишмиз, билсангиз. Ахир ҳақиқий пахтакор, план ва мажбуриятини ҳар йили қойил қилиб дўндирувчи бригада бошлиғини ким билмайди дейсиз районимизда.

Мақтовлардан ҳиёл ўнғайсизланган Пошша ака партком секретари кўрсатган ўринга ўтирар экан, нимадир демоқчи бўлди-ю, гапни нимадан бошлаш маъқуллиги ҳақида бир зум ўйланиб қолди. Унинг кийим-бошидан тўғри даладан келганлиги билиниб турса, ҳозирги бедор кун-тунларда бироз бўлса-да ҳориш аломатлари сезилган кўзларида чақноқ нур, қувонч ўйнайди.

— Рапорт келтирувдим, Эргаш Ёқубович, — деди ниҳоят қўйнидан тўрт букланган қоғоз чиқариб партком секретарига узатар экан Пошша ака. — Планни бажардик.

— Табриклайман, — партком секретари ўрнидан туриб, бригадирнинг қўлини қаттиқ қисди. — Бугунги партия ҳисобот-сайлов йиғилишимиз қатнашчилари учун бундан ортиқ хушхабар бўлиши мумкинми?! Ахир колхозда биринчи бўлиб бажардингиз планни!

Колхоз бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида Пошша ака Шодиевга ҳам сўз беришди.

Минбарга чиққан Пошша ака бир зум ўйланиб турди-да, одатига кўра гапни чўзиб ўтирмади.

— Планни бажардик. Гектаридан 31 центнердан ҳосил олиб, давлатга 310 тонна пахта етказиб бердик, — деди у лўнда-лўнда қилиб. — Бригадамиз аъзолари йиғим-теримни бўшаштирмай ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

Нотиқнинг кейинги сўзлари қарсаклар билан кўмилиб кетди.

План бажарилди! Уста пахтакор, жонкуяр коммунист, илғор бригада бошлиғи дилга завқ-шавқ, қалбга чексиз қувонч бахш этувчи бу сўзларни тилга олар экан, дастлабки зафар маррасига олиб келган сўқмоқларда чекилган машаққатларни бир-бир кўз олдидан ўтказмасликлари мумкин эмас эди, албатта. Шунинг учун бўлса керак, суҳбатдошимиз қисқа қилиб «Ҳа, табиат пахтакорга нотанитлик қилди бу йил» деб қўйди.

Чиндан ҳам катта хирмонни бунёд этиш осон бўлмади. Баҳорги қурғоқчиликни енгиб, мавжуд 100 гектар майдонда барака уруғини текис ундириб олган бригада аъзолари ҳар туп ғўза атрофида парвона бўлдилар, ниҳолларни худди ёш ўғлидек ардоқлаб парваришладилар. Ғўза айни ҳосил тўплаётган бир пайтда ҳаво ҳарорати кўтарилиб, қуёш ўз олов селини пуркагандаги ташвишларни айтмайсизми? Ушанда бригаданинг ёшу қариси Пошша ака бошчилигида ўзини сувчи деб билди, эртаю-кеч ғўзани сувдан қолдирмаслик, ҳосил нишоналарини тўла сақлаб қолиш ташвиши билан яшади.

Қаршимизда мамнун ўтирган Пошша акага боқар эканмиз, фидоийлик, ҳалол меҳнат пировард натижада кишига завқ-шавқ, қувонч, бахш этишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Куни кеча бригада далаларида бўлдик. Пошша ака Шодиев бригадада йиғим-терим жадал давом этаётганлигини, қабул пунктига кунига йиллик планнинг 1—1,5 процента миқдорида ва бундан ҳам ошириб «оқ олтин» етказиб берилаётганлигини сўзлаб берди. Эл хирмонига ҳар бири 9—10 тоннадан ошириб дур-жавоҳир тўккан Ш. Шомонова, С. Шамаева, Н. Шодиева каби чевар теримчилар айни кезларда 40—50 килограммдан кўсак теришмоқда.

— Пахтакорнинг мардлиги пахтазорда билинади, — дейди Пошша ака даладаги жўшқин меҳнатдан завқланиб. — Биз ҳам мажбуриятни бажармагунча, ҳосилдорликни 40 центнерга етказмагунча мардлар майдони — пахтазордан чиқмаймиз.

М. ПЕЙСЕНОВ,
Калинин номли колхоз.

ХИРМОНЛАР ЗАВҚИ ЛАВҲА

ҒАЙРАТ ҚИЛГАН ДОВОН ОШАДИ

ЛЕНИН номли колхоз — райондаги йирик хўжаликлардан бири. Колхоз деҳқонлари қабул пунктларига 4580 тонна пахта етказиб бериб, планни бажардилар ва етиштирилган мўл ҳосилни сўнгги мисқолигача нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга, ялпи ҳосилни эса 5600 тоннага етказиш учун курашни давом эттирмоқдалар. Колхоз раиси Нишонали АВАЗОВ мухбиримиз билан суҳбатда бу улкан донони ҳам эгаллаш йўлида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берди:

— РАЙОНИМИЗ НИНГ барча пахтакорлари қатори колхозимиз аъзолари ҳам бу йилги табиат инжиқликларига ўзларининг бой тажриба ва маҳоратларини, ғайрат ва матонатларини, пахтакорлик касб-корларига садоқатларини қарши қўйиб, катта майдонларда «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштирдилар. Колхоз бўйича 1490 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан хирмон кўтарилди. Ялпи ҳосилнинг 80 процента машиналар ёрдамида териб олинди.

Хўжалигимизнинг улкан хирмонига илғор бригадаларнинг коллективлари, айниқса, салмоқли ҳисса қўшдилар. Ж. Абдутолипов бошлиқ 16-бригада пахтакорлари гектаридан 34 центнердан ҳосил олиб, пахта тайёрлаш йиллик планини колхозда биринчи бўлиб бажардилар. Айни кунларда бригада меҳнат аҳли ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиш иштиёқида йиғим-теримни давом эттирмоқда. М. Нишоналиев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Н. Зоирхўжаев, А. Рустамовлар бошлиқ бригадаларда ҳозиргача ҳар гектар ердан 37-40 центнердан ва бундан ҳам ошириб «оқ олтин» йиғиб-териб олинди.

Колхоз правлениеси ва партия комитети пахта теримини уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча колхозчиларни теримга сафарбар этдилар. Улар ўртасида кўпмингкилограммчилик ҳаракатни авж олдирилиб, мусобақа ғолибларини ҳар беш кунда ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириш йўлга қўйилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Г. Болтабоева, Ф. Олимова, Н. Қосимова, Т. Ҳусанбоева, М. Қосимова каби чеварлар теримчилар ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача терган пахтам 10,4 тоннадан ошиб кетибди.

Теримчилар ўртасидаги социалистик мусобақага ўз вақтида якун ясалиб, ғолиблар қимматли буюмлар билан рағбатлантириб турилди. Раҳима Раҳматуллина, Гулнора Султонова, Мавжуда Масаминова каби чевар теримчилар 8—10 тоннадан «оқ олтин» териб, яхши натижаларга эришдилар.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари пахта йиғим-терими мавсумда ташкилотчилик, оммавий-сиёсий, умумий сафарбарлик ишларини ҳар қачонгига қараганда кучайтириб юбордилар.

Бу йил пахтанинг янги давлат стандарти бўйича қабул қилиниши ва харид нархининг оширилиши пахтакорларнинг давлатга аъло сифатли «оқ олтин» етказиб беришдан манфаатдорликларини оширди. Район бўйича ялпи ҳосилнинг 70 процентга яқин сортларга топширилди. Бу хўжаликларга каттагина қўшимча даромад олиш имконини беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг оташин Мурожаати ҳамма жойда кўтаринки меҳнат кайфиятини вужудга келтириб, пахтакор, механизатор ва ҳашарчиларни етиштирган мўл ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда жасорат ва матонат намуналарини кўрсатишга руҳлантириб юборди. Районимиз партия, уруш ва меҳнат ветеранлари ажойиб ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар областимиздаги барча партия, уруш ва меҳнат ветеранларини пахта йиғим-теримида фаол иштирок этишга даъват этдилар, ўзлари теримда катта ибрат кўрсатдилар. Коммунист ва комсомоллар «оқ олтин» тақдири учун курашнинг олдинги сафида бўлдилар.

Районимиз пахтакорларининг меҳнат ғалабасига Меҳнат Қизил Байроқ ордени Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Қурбонов директорлик қилаётган Ильич номли 14-ўрта мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари хирмонга 750 тонна «оқ олтин» тўкдилар. Пушкин номли, Ҳ. Олимжон номли, Низомий номли мактаблар коллективлари ҳам катта хирмонга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. 200 га яқин пенсионер ва уй бекаси белга этак тутиб, пахта теримида актив иштирок этди.

Беш йилликнинг учинчи йили колхозимиз аъзолари учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа соҳаларини ривожлантиришда ҳам катта ютуқлар йили бўлаётир. Хўжалигимиз давлатга пилла, дон, шоли, картошка, мева, узум сотиш планларини ҳам анча ошириб бажарди. Сут ва гўшт етиштириш ўтган йиллардагига қараганда жадал кўпайтирилмоқда.

Эришилган марра биз учун чегара эмас. Бутун куч ва имкониятларни олинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажаришга қаратиш билан бир қаторда келгуси йил мўл ҳосилига пойдевор қўйишга ҳам киришдик. Бутун ҳосил йиғиштириб олинган пайкалларга минерал ўғитлар солиш бошлаб юборилди. Кузги-қишки ишлар комплексини бажаришда қўлланиладиган техника воситалари пахтазорларга олиб чиқишга тайёр.

ЯНГИ НАВ ИСТИҚБОЛИ

КОЛХОЗИМИЗ пахтазорлари ўзига хос тажриба даласи бўлиб қолди. Буни пахтанинг кўп навлари дастлаб хўжалигимиз далаларида синовдан ўтказилиб, ҳаётга йўлланма олаётганлигидан ҳам кўриш мумкин. Машҳур «Тошкент» навлари ҳам илк бор колхозимиз далаларида синовдан ўтган эди.

Ҳаёт бир жойда турмайди. Саноатимизнинг пахта сифатига бўлган талаби тобора ортиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Пахта қанчалик сифатли, толаси мустаҳкам бўлса, ундан шунчалик аъло маҳсулот олинади. Бунинг устига деҳқон иложи борича эртаки, машинабоп пахта навини экиш, план ва мажбуриятини қисқа муддатда бажариш ҳақида ўйлайди.

Бизнинг назаримизда селекционерлар томонидан яратилган «С-48-80» нави айни пахтакорлар кутган навдир. Мана икки йил бўлдики, хўжалигимизда ана шу нав чигити кўпайтирилмоқда. Бу йил пахтакорларимиз қабул пунктларига пландаги 1230 тонна ўрнига 1974 тонна уруғлик пахта етказиб берган бўлсалар, шунинг 1806 тоннаси «С-48-80» навли уруғлик пахтадир.

Мен бу янги навнинг агробиологик хусусиятлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтирмайман. Фақат бир нарсани —

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

СОВЕТ ТАШАББУСИ БИЛАН

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Совет Иттифоқининг ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ядро урушини «Халқларга қарши энг даҳшатли жиноят деб, инсоннинг энг муҳим ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини поймол этиш деб», қоралаш тўғрисидаги декларация лойиҳасини қабул қилди.

Декларация лойиҳаси БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи комитетида (сиёсий масалалар ва хавфсизлик, жумладан қуролсизланиш масалалари комитетида) муҳокама қилинганидан кейин маъқулланди. Шу муҳокама чоғида кўпгина давлатларнинг расмий вакиллари Ер юзидаги цивилизациянинг халокатга олиб бориши мумкин бўлган ядро уруши хавфи кучайиб бораётганини ташвишланиб қайд этдилар.

«Ядровий фалокатнинг олдини олиш Ер юзида яшовчи миллиард-миллиард кишиларнинг энг эзгу орзуси» эканлиги ҳужжатда таъкидлаб ўтилади.

Ядро урушини қоралаш ғояси НАТОга аъзо бўлган мамлакатларга мақбул бўлмади, улар декларацияга қарши овоз бердилар.

БМТ БОШ СЕКРЕТАРИНИНГ ТАКЛИФИ

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр Жўлон тепаликларида қўшинларнинг ажралиб туришини кузатувчи халқаро кучлар мандатини яна олти ой муддатга, 1984 йилнинг 31 майигача узайтиришни таклиф этди. Салкам 1300 кишидан иборат бу кучлар 1974 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги вақтда унинг составида Австрия, Канада, Финляндия ва Польша қисмлари бор. Халқаро кучлар Исроил босиб олган Жўлон тепаликларида Исроил билан Сурия ўртасида жойлашган.

(ТАСС).

ИМПЕРИАЛИСТИК РЕЖАЛАР ҚОРАЛАНДИ

БЕРЛИН. Христиан тинчлик конференциясининг ГДРдаги регионал комитети Ғарбий Европада Американинг биринчи зарба урувчи янги ядро ракеталарини жойлаштиришдан иборат империалистик режаларни қоралади. Комитетнинг Берлинда ўз ишини тамомлаган конференциясида қабул қилинган баёнотда халқларнинг кенг кўламдаги норозилигига ҳамда реалист сиёсатчилар ва социалистик давлатлар ўртага қўйган қуролсизланишга оид кўпдан-кўп таклифларга қарамай, АҚШ Ғарбий Европада дастлабки зарба урувчи ядро қуролларини жойлаштиришга киришаётганлиги айтилади. Бу телбаларча қуролланиш пойгасида халқларга хавф солувчи янги қадамдир.

МУНОФИҚОНА НАЙРАНГБОЗЛИК

БОНН. Ғарбий Германия Бундестагида ГФРга Американинг «Першинг-2» ракеталари ва қанотли ракеталарини жойлаштириш масаласи юзасидан бўлиб ўтган мунозаралар асл моҳияти билан шунчаки найрангбозлик эди. Чунки, АҚШ ҳарбийлари ва НАТО илгаридан ГФРга ўзининг биринчи зарба урувчи янги ракета-ядро қуроли учун майдон ролини берган эди. Яқинда бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида ГФР ҳукуматининг вакили П. Бениш айтган гаплар ана шундан далолат беради.

«ГФРда, — деди у, — шу бугундан бошлаб Американинг «Першинг-2» ракеталари ва қанотли ракеталарини жойлаштириш масаласи юзасидан бўлиб ўтган мунозаралар асл моҳияти билан шунчаки найрангбозлик эди. Чунки, АҚШ ҳарбийлари ва НАТО илгаридан ГФРга ўзининг биринчи зарба урувчи янги ракета-ядро қуроли учун майдон ролини берган эди. Яқинда бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида ГФР ҳукуматининг вакили П. Бениш айтган гаплар ана шундан далолат беради.


«ГФРда, — деди у, — шу бугундан бошлаб Американинг «Першинг-2» ракеталари ва уларни ўрнатиш учун асбоб-ускуналарнинг дастлабки компонентлари олиб келинади». П. Бениш НАТОда ишлаб чиқилган ГФР территориясида Американинг ракета-ядро қуролини жойлаштириш графиги «бенуқсон бажарилмоқда», деб илова қилди.

(ТАСС).

ОККУПАЦИЯЧИЛАР КЕТМОҚЧИ ЭМАС

ВАШИНГТОН. 24 ноябрь (ТАСС). Қўшма Штатлар ҳам, Исроил ҳам ўз қўшинларини Ливан территориясидан олиб кетиш ниятида эмас. Амалий визит билан ҳозир бу ерда турган Исроил президенти Герцогнинг гапларидан шу нарса яққол кўриниб турибди.

Исроил президенти миллий матбуот клубида сўзлаган нутқида «АҚШ билан Исроил қўшинларининг Ливанда туриши ва таъсир қилишини» сақлаб қолиш зарурлигини очиқдан-очиқ айтди. Бундан ташқари, Герцог Ливандагина эмас, умуман Яқин Шарқда ҳам Тель-Авив билан Вашингтоннинг «Манфаатлари муштараклиги»ни таъкидлаб, регионда Америка-Исроил «қўшма фронти»ни тузишга чақирди. Шу тариқа унинг ибораси билан айтганда Қўшма Штатлар билан Исроил ўртасидаги «стратегик ҳамжиҳатлик» янада ривож топган бўлур эди.



● КУБА. Гаванадаги автобус заводида ишлаб чиқарилаётган «Хирон» маркали машиналар Озодлик ороли халқига жуда манзур бўлмоқда. Корхонада СССР, Венгрия ва бошқа социалистик мамлакатларнинг машина-механизмлари ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида йилига 650 тадан кўпроқ автобус ишлаб чиқарилади.

Суратда: заводнинг йиғув цехида.

АИН—ТАСС фотоси.

СПОРТ

ДАЪВОГАРЛАР БАХСИ

Шахмат бўйича жаҳон чемпионлигига даъвогарлик қилаётган Смислов—Рибли ўртасидаги иккинчи учрашув Рибли фойдасига ҳал бўлди. Ҳисоб 1:1. Кеча бошқа ярим финалда қатнашаётган Каспаров—Корчной ўртасида учинчи учрашув ўтказилди.

ОЛИМПИАДАЧИЛАР ТАРАДДУДИ

Футбол бўйича СССР Олимпия терма командаси Тунисда иккита халқаро ўртоқлик учрашувини ўтказди. Футболчиларимизнинг «Клюб Африкэн» командаси билан бўлган ўйинда 5:1 ҳисобида устун келганлигини маълум қилган эдик. Терма командамиз бу ерда ўзининг иккинчи ўйинини «Клюб олимпик де транспор» клуби билан ўтказиб 4:0 ҳисобида ғолиб келди. Тўпларни Грачев (2 та), Газзаевлар киритди. Битта тўп эса Олейниковнинг кучли зарбасидан сўнг майдон эгалари қимоячиси обётга тегиб дарвозага кирди. Ҳар иккала ўйинда олимпиадачиларимиз сафида тошкентлик пахтакорчи Геннадий Денисов иштирок этди.

ТЕРМА КОМАНДА САФИДА

Тошкентлик фигуралн учувчилар Алексей Сулаймонов билан Ирина Шишовалар Красноярск шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган «Олимпиада умидлари» турнирида биринчи мукофотли ўринни олишди. Бу мусобақа ёшлар учун жаҳон биринчилигин олдидан жиддий синов бўлди. Кучлилар терма командасига қабул қилинган тошкентлик спортчилар жаҳон биринчилигида иштирок этадилар.

ИККИ ЎЙИНДА БИР ОЧКО

«Бинокор» навбатдаги учрашувларини ўз майдонида Қозонининг Урицкий номидаги спорт клуби билан ўтказди. Биринчи ўйинда меҳмонлар 4:2 ҳисобида ғолиб келишди, такрор учрашувда 3:3 ҳисоби қайд этилди.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ
182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983/84 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ШАҲАР ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **электрпайвандчи, сувоқчи-бўёқчи, бўёқчи, электр-монтажчи, ғишт терувчи-монтажчи, дурадгор, автомашиналарни ремонт қилувчи слесарь.**

Ўқиш муддати 1—2—3 йил.

Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 8—10-СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганларга диплом берилади ва улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийимкечак ва ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақини 50 процентн билан таъминланадилар. 10-синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар, ҳарбий хизматни битириб келганларга 30 сўм миқдорида қўшимча пул тўланади.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

БИЛИМ ЮРТИМИ БИТИРГАНЛАРГА «ТАШПРОМСТРОЙ»ГА ИШГА ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт) шахсан кўрсатилади.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4-уй (17-автобуснинг сўнгги бекати, 13-трамвайнинг 2-«Шимолий шарқ» бекати). Телефон 64-18-41.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/XI да **Пётр 1**, 27/XI да **Жизель** (12.00), **Суронли кунлар** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/XI да **Юлдузли тунлар**, 27/XI да **Келинлар кўзғолони**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/XI да **Мангулик** (14.00, 19.30), 27/XI да **Мангулик** (12.00, 19.30), 28/XI да **Тошкентликлар** (15.00, 19.30).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00—«Время». 9.35 — «Ўсмирлар ижоди». 10.05 — «Спортлото»нинг 48-тиражи. 10.15 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.45 — Фортепьяно квинтети. 11.10 — «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 11.40 — «Сизга манзур адабиётлар». 12.25 — Киноочерк. 12.45 — «1983 йил архитектураси». 13.15 — «Ёдингдами ўртоқ...». 14.15 — «Сиз бунга қодирсиз». 15.00 — «Дунё воқеалари». 15.15 — «Сузавер, кемачам». Бадиий фильм. 16.25 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 16.55 — «Ҳайвонот оламида». 17.55 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — Фигурали учиш. 19.35 — «Ўртоқ қўшиқ». Конкурс. 21.30 — «Время». 22.05 — «Мария Николаевна Ермолова». 23.10 — Фигурали учиш. 23.45 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Физкультура билан шуғулланинг». 10.30 — Телевизион миниатюралар театри. 11.15 — Концерт. 11.45—«Шеърият дафтиридан». 12.15 — Концерт. 13.15 — «Ватан фарзандлари». Бадиий фильм. 17.00 — «Дўстлик» экрани». 18.00 — Мультфильм. 18.15 — «Оламга саёҳат». 19.00 —«Ота-оналар университети». 19.30— «Ахборот». 19.45 — Халқ ҳунармандчилигини бошқариш ва планлаштиришда кибернетиканинг роли. 20.30— «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.20 — «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

— «ЦИРК ЮЛДУЗЛАРИ», «СУВ ЖОЗИБАСИ» аттракциони (19.30).

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

28 НОЯБРЬ—4 ДЕКАБРЬ

28 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — Мультфильм. 10.00 — Болалар учун фильм. 11.10 —«Ҳайвонот оламида». 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10—«Звездочет». 16.45 — «Ерда, самода ва денгизда». 17.15 — Концерт. 17.35—«Объектив». 18.05 — Телеочерк. 18.35 —«Ўсмирлар ижоди». 19.00 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. 19.40 — Концерт. 20.10—«Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». 20.40 — Телеспектакль. 21.30 — «Время». 22.05 — Ж. Марянович — ёшлар кечасининг меҳмони. 23.00 — «Дунё воқеалари».

МТ II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — Тарих. 10.05 — «Рус тили». 11.05 — «Василий Тёркин». 11.35 ва 12.40 — Ботаника. 11.55 —Илмий-оммабоп фильм. 12.10 — «Фан ва турмуш». 13.00 — Табиатшунослик. 13.30 — «Ўқитувчига музика сабоги». 14.35 — «Сенинг ленинча кутубхонанг». 15.20 — Концерт. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 19.50 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Халқаро панорама». 21.30 — «Время». 22.05 —«Буа дорелик ажойиб жаноблар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 23.30 — Концерт.

УзТВ I. 18.05 — «Пионерлар мамлакатида». 18.35 — «Советский воин». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Концерт. 20.10— Киножурнал. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.20 — «Қутлуғ қон». 1-серия. 23.30 — «Бугун оламда нима гап».

УзТВ II. 9.00 — 16.25 — МТ II. 17.55 — Ўқитувчилар учун консультация. 18.25 — Болалар учун фильм. 19.35 —Врач маслаҳати. 19.50—Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Дўстлик ришталари мустаҳкамланаверсин». 20.50 — Телеспектакль. 21.30 — МТ II.

29 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — Ҳужжатли фильм. 10.10 — Мактаб ўқувчиларининг учрашуви. 10.55 — Телеспектакль. 11.40 — Фильм-концерт. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Концерт. 16.00 — «Тарих саҳифалари». 16.50 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.20 — Симфония. 17.50 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. 18.30 — «Болқонлардаги мамлакат». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Сиз яратган боғ». 20.00 — «Лилия». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Поэзия». 23.25 — «Дунё воқеалари».

МТ II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 ва 13.55 — Француз тили. 10.55 — Эстетик тарбия. 11.20 — Илмий-оммабоп фильм. 11.40 ва 12.40 — Музика. 12.10 —«Шахмат мактаби». 13.10 — Тарих. 13.35 — Табиатшунослик. 14.25 Типиан Табидзе. 15.10 — Ўйғониш даври санъати. 15.45 — «Қишлоқ янгиликлари». 16.40 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.30—«Ҳаракат хавфсизлиги учун». 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 —«Онамларнинг мактаби». 21.15 — Концерт. 22.05 — «Буа дорелик ажойиб жаноблар». Бадиий фильм. 2-серия. 23.35 — Концерт.

УзТВ I. 11.30—Физика. 12.00 — «Ўйлаб топ». 12.30 — Телефильм. 13.00 — «Қутлуғ қон». 1-серия. 14.10 — Фильм-спектакль. 18.10 — «Китоб бизнинг дўстимиз». 18.55 — Концерт. 19.30— «Ахборот». 19.45 — «Инсон ва қонун». 20.20 — Киножурнал. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Чорвачилик — зардбор фронт». 22.20 «Қутлуғ қон». 2-серия. 23.30 — Янгиликлар.

УзТВ II. 9.00—16.45 — МТ II. 18.15— Ўқитувчи экрани. 18.45 — Киножурнал. 19.00 — Эстетика асослари. 19.40 — Янгиликлар. 20.00 — «Эски қарзлар». Бадиий фильм. 21.30 — МТ-II.

30 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МТ I. 9.00—«Время». 9.35 — «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». 10.05 — «Оилавий иш». Бадиий фильм. 1-серия. 11.10 — «Саёҳатчилар клуби». 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Концерт. 16.25 — «Драматургия ва театр». 17.35 — Тасвирий санъат. 17.45 — «Уфқ». 18.45—«Фан ва турмуш». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.40 — «Инсон ва қонун». 20.10—«Спорт ҳафталиги». 20.40 — «1983 йил кўшиқлари». 21.30 — «Время». 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Хоккей бўйича СССР чемпионати.

МТ II. 9.00— Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Астрономия. 10.05 ва 13.40 — Немис тили. 11.05 — Адабиёт. 11.35 ва 12.40 — Умумий биология. 12.05 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 13.10 — Н. Грибачев поэзияси. 14.10 — Телеочерк. 14.40 — Концерт. 15.00 — География. 15.35— Концерт. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Биргаликда аҳил оиламиз». 19.15 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Тележурнал. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Буа дорелик ажойиб жаноблар». Бадиий фильм. 3-серия. 23.35 — Концерт.

УзТВ I. 11.30 — Қўғирчоқ фильм. 11.40 — Фильм-концерт. 12.30 — «Рус адабиёти». 13.00 — «Қутлуғ қон». Видеофильм. 2-серия. 14.10 —«Касблар ҳақида ҳикоялар». 14.40— Фильм-спектакль. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — «Ёшлик». 19.00 — Бутуниттифоқ конференцияси. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Киножурнал. 20.00 — Ҳинд экрани куйлари. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Ҳинд экрани куйлари (давоми). 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.20 — «Қутлуғ қон». 3-серия. 23.25 — «Бугун оламда нима гап».

УзТВ II. 9.00—16.35 — МТ II. 18.10 — Эстетика асослари. 18.50 — «Халқ истеъмоли молларига — юқори сифат». 19.20 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — «Пойтахт области далаларида. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Хавфли парвоз». Бадиий фильм. 21.30 — МТ-II.

1 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

МТ I. 9.00—«Время». 9.40 — «Ўсмирлар ижоди». 10.10 — «Оилавий иш». Бадиий фильм. 2-серия. 11.15— Концерт. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — «Асли болаликдан». 16.40— «Ҳаётга йўлланма». 17.35 — «Шахмат мактаби». 18.05 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.15—«Дунё воқеалари». 19.30 — Телеочерк. 20.00 — «Олам кинокамера кўзгусида». 21.30 — «Время». 22.05 — «Олам кинокамера кўзгусида». 23.15 «Дунё воқеалари».

МТ II. 9.00—«Эрталабки гимнастика». 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — «Табиатшунослик». 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 ва 13.40 — «Испан тили». 10.55 — Очерклар. 11.40 ва 12.40 — Н. А. Некрасов лирикаси. 12.10 — Физика. 13.10 — «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 14.10 — А. И. Куприн. «Ҳаётн ва ижоди саҳифалари». 14.55— «Бетховен — ҳаёти кунлари». Бадиий фильм. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 19.30 — «Поэзия». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.10—Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Буа дорелик ажойиб жаноблар», Бадиий фильм. 4-серия. 23.25 — Хоккей бўйича СССР чемпионати.

УзТВ I. 11.30 — Телефильм. 12.00 — «Бойчечак». 12.30 — Телефильм. 13.00 — «Қутлуғ қон». 3-серия. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — «Геология хизмати — беш йилликка». 19.00 — Концерт. 19.30 —«Ахборот». 19.45 — «Шиоримиз бирдамлик». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30— «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.20 — «Қутлуғ қон». 4-серия. 23.25 — Янгиликлар.

УзТВ II. 9.00—16.25 — МТ II. 18.10 — Телефильм. 18.30 — Бошқариш мактаби — хўжаликни юритиш мактаби. 19.05 — Концерт. 19.45 — Реклама. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Концерт. 21.20 — Телефильм. 21.30 — МТ-II.

2 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

МТ I. 9.00—«Время». 9.40 — Мультфильмлар. 10.05 — Жаҳон халқларининг ижоди. 10.35 — «Оилавий иш». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.40 — Концерт. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20— Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Концерт. 16.35 — Рус тили. 17.05 — Киноочерк. 17.30 — Концерт. 18.00 — Мультфильм. 18.45—Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Жальгирис»—МАСК. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильм. 19.35 — Фильм-концерт. 20.15 — «Келинчак». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Мен олтин дамларни эслайман». 22.35 — Музикали кўрсатув. 23.35 — Дунё воқеалари.

МТ II. 9.00—Гимнастика. 9.15 —Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Тарих. 10.05 ва 13.40 — Инглиз тили. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.40 — География. 12.05 — «Сиз яратган боғ». 13.10 — Шоир ва шеърият ҳақида. 14.10 — Карл Маркс ва революцион Россия. 14.40 — Архитектура. 15.10—Д. Д. Шостакович. 15.40 — М. Стельмах. Асарлари саҳифаларида. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — Концерт. 19.35 «Дон ҳикоялари». 20.05 —«Руна» билан учрашув. 20.30— «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Сизни қизиқтирган адабиётлар». 21.30 — «Время». 22.05 — «Буа дорелик ажойиб жаноблар». 5-серия. 23.25 — Хоккей бўйича СССР чемпионати.

УзТВ I. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Жамиятшунослик. 13.00 — Ойбек. «Қутлуғ қон». Кўп сериали видеофильм. 4-серия. 18.05—Фильм-концерт. 18.15 — Кинокўрсатув. 19.00 — «Ёшлик». 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Самарқанд сайқалига мафтунмиз». Мусиқашунослларнинг II халқаро симпозиуми ҳақида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Самарқанд сайқалига мафтунмиз» кўрсатувининг давоми. 21.30 — «Время». 22.05 — Ойбек. «Қутлуғ қон». Кўп сериали видеофильм. 5-серия. 22.55 — Дунё воқеалари.

УзТВ II. 9.00 — 16.30 МТ-II. 18.15 — «Юлдузча». 19.00 — «Табрикларимизни қабул этгайсиз». 2-бўлим. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Табрикларимизни қабул этгайсиз». Байрам музикали программасининг давоми. 21.30 — МТ-II.

3 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

МТ I. 9.00—«Время». 9.40 — Ҳужжатли фильмлар. 10.05 — Концерт. 10.35 — «Спортлото». 10.45 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.15 — «Кўплаб сифатли товарлар етказиб беришлик». 11.45 — «Инсон, ер, коинот». 12.30 — «Ўртоқ қўшиқ». Бутуниттифоқ телевизион конкурси. 13.20 — «Фолиблар». 14.50 — «Болаларга нимани ишонса бўлади». 15.20 —Дунё воқеалари. 15.35 — «Мўъжизасиз мўъжизалар». 16.35 — «Тўрт дўстнинг ҳаёти ва саргузашти». 1- ва 2-серилар. 17.40 —Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 19.15 — Музикали кўрсатув. 20.00 — «Ангар-18». Бадиий фильм. 21.30—«Время». 22.05 — Концерт. 23.20 — Янгиликлар.

МТ II. 9.00— Эрталабки гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.25 — Концерт. 9.50 — Ҳунар-техника билим юртлари ҳақидаги энг яхши кўрсатувлар учун Бутуниттифоқ конкурси. 10.35 — Ҳужжатли фильмлар. 11.10 — Тонгги почта. 11.40 — Саёҳатчилар клуби. 12.40 — ЛЕНИНГРАД ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 14.25 — Мультфильм. 14.45 — Халқ чолғулари садолари. 16.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 17.00 — Сиз бунга қодирсиз. 17.55 — Музикали киоск. 18.25 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15—Халқаро обзор. 19.30 —Театр афишаси олдида. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Здоровье. 21.30 — «Время». 22.05 —Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Рига). 23.50 — Қўшиқдан рақсга.

УзТВ I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Ҳамма нарсани билишни истайман».10.20 —«Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм. 11.55 — Пойтахтимиз меҳмонлари. 12.40 — Шахмат мактаби. 13.10 — Ойбек. «Қутлуғ қон». Кўп сериали видеофильм. 5-серия. 14.00 — «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 17.45 — «Санъат гунчалари». 18.05 — «Кинокамера фош этади». 19.00—«Гўзалликни яратиш». 19.30 —Ахборот. 19.45 — Цирк, цирк, цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССР халқ артисти К. Раҳимов куйлайди. 21.30 — «Время». 22.05 — Ойбек. «Қутлуғ қон». Кўп сериали видеофильм. 6 ва 7-серилар.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

4 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

МТ I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.10 — Будильник. 10.40—«Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.40—Здоровье. 12.25 — Тонгги почта. 12.55 — Киножурнал. 13.05 — Қишлоқ янгиликлари. 14.05 — Музикали киоск. 14.35 — Телевизион ҳужжатли фильм. 15.05 —Опера билан учрашув. 18.15 — Цирк майдонида. 18.50 —Халқаро панорама. 19.35 — Саёҳатчилар клуби. 20.35 — Экранда кинокомедия. «Айиқ». 21.30 — «Время». 22.05 — Бадиий гимнастика бўйича Интервидение кубоги. 22.50 — «Дунё ва ёшлар». 23.25 — Янгиликлар.

МТ II. 9.00 — Зарядкага сафланинг. 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 10.00 — «1983 йил архитектураси». 10.25 — Концерт. 10.55 — «Стадион ҳамма учун». 11.25 — Концерт. 12.25 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 13.10—Концерт. 13.20 — Ҳайвонот оламида. 14.20 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 14.50 — Ёшларнинг учрашуви. 16.55 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 17.40 — Илмий оммабоп фильм. 17.55—«Оловли йўллар». Кўп сериали телевизион бадиий фильм. 4-серия. 19.00 — Пиониноччиларнинг конкурси. 20.00 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Телевизион спектакль. 21.30 — «Время». 22.05 — «Тик дала». Бадиий фильм. 23.20 — Волейбол бўйича СССР чемпионати. Хотин-қизлар. «Динамо» (Москва) — МАСК.

УзТВ I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Оқ кема». Бадиий фильм. 11.50 — «Ералаш». Болалар ҳажвий журнали. 12.00 — «Кувноқ стартлар». 13.05 — Ойбек. «Қутлуғ қон». Кўп сериали видеофильм. 6 ва 7-серилар. 14.45 — «Ўзбекистон спорти». 15.15 — «Онамларнинг мактаби». 15.45 — Реклама. 18.00 — Концерт. 18.30 — «Мультипанорама». 19.15—«Ўзбекистон Норкатупроққа». 19.30 — Ахборот. 19.45 —Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Мирзаевнинг ижодий кечаси. 21.30 — «Время». 22.05 —Хирмонингизга барака. 22.20 — Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Мирзаевнинг ижодий кечаси. (давоми).

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02317 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1723.